Mirsulton KADIROV,
Military-Technical Institute of National Guard of Uzbekistan, doctor of philosophy PhD, Senior lecturer of the Department of Humanities and Social Sciences. mirsulton@list.ru 1000109, Tashkent region, Zangiota district

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ОБЪЕКТИВ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАР СТРАТЕГИЯСИ

СТРАТЕГИЯ ОБЪЕКТНЫХ УСЛОВИЙ И СУБЪЕКТИВНИХ ФАКТОРОВ РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

THE STRATEGY OF THE OBJECT CONDITIONS AND SUB-FACTORS IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY IN UZBEKISTAN

Таянч сўзлар: *ижтимоий бирлашмалар, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, ижтимоий зарур иллюзия, фуқаролик жамият институтлари*

Ключевые слова: *общественные объединения, политические партии, профсоюзы, правовое государство, гражданское общество, иллюзии социальной необходимости, институты гражданского общества.*

Keywords: *public associations, political parties, trade unions, rule of law, civil society, illusions of social necessity, civil society institutions*

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва модернизация қилиш энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Чунончи, демократик давлатда инсон ҳуқуқлари, эркн, шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланиб, қонун устуворлик қилади. Ҳар бир мамлакатда қонунлар устуворлиги, фуқароларнинг қонунларга бўлган ҳурмати ва итоаткорлиги ўша давлатнинг барқарорлигини, осойишталигини таъминлайди ҳамда жамиятда адолатни ўрнатади. Қонун устуворлигига эришмасдан туриб, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қура оламиз, десак янглишамиз. Бунинг учун эса жамият, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, «жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим» (Мирзиёев, uzlidep.uz). Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксалган жамиятда ҳеч ким қонунларни бузмайди ёхуд уни «четлаб ўтиш»га ҳаракат қилмайди. Чунки қонунлар халқ ҳоҳиш-иродасини ифодалаб, жамият тинчлиги, осойишталиги ҳамда ижобий хатти-ҳаракатларга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Ушбу мақсадга эришиш, ўз навбатида, барча эзгу ниятларни, орзу-истакларни амалга ошириш, ҳар бир фуқаро ҳамда оила учун муносиб ҳаётий шарт-шароитларни яратиш воситасидир. Ватанимиз тараққиёти, ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шу боис, демократик фуқаролик жамиятининг шаклланишида омманинг ҳуқуқий маданиятини ошириш асосий аҳамият касб этадиган, муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, «... 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлар раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади. Яна шунингдек, ... ҳар бир туман ва шаҳарда «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур» (Мирзиёев, 2017: 17), - деган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бошлаб берган, ушбу хайрли ишлар, 2017 йилдан бошлаб тўлақонли равишда амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий муаммолари ҳал этилиб, ҳақ-ҳуқуқлари тикланмоқда. Бундай хайрли ишларнинг амалга оширилиши эса, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади.

XX асрнинг ўрталарига келиб илғор демократик давлатларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилган ислоҳотлар ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-истаклари, муштарак манфаатлари асосида муайян ташкилотлар, бирлашмалар ва иттифоқларга бирлашуви натижасида мустақил равишда фаолият юритувчи кўплаб нодавлат

Мақолада Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қуришнинг омиллари таҳлил қилинган. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши ўрганилган. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий ноҳукумат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари янги эҳтиёж ва талаблардан келиб чиққан ҳолда иш юритиши жараёнлари дискрет тарзда кўрсатилган.

Шунингдек, мақолада демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг таъсири мазкур ташкилотларнинг давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро мунособатларига боғлиқ экани тадқиқ этилган.

Мақолада жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш омиллари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш уларнинг таҳдидбардошлиги, хорижий ташкилотларнинг молиявий тузоғига тушиб қолиши, иш фаолиятидан ташқарига чиқиш, четдан уларнинг фаолиятига салбий таъсир ўтказиш каби ноҳуш оқибатларнинг олдини олиш омиллари кўрсатиб берилган.

В статье анализируются факторы свободного гражданского общества и построения светского государства в Узбекистане. На сегодняшний день разработаны принципы, правовые основы демократического государства и гражданского общества в нашей стране, с учетом интересов нашего народа. Деятельность местных и зарубежных неправительственных, некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества, действующих сегодня в нашей стране, рассмотрены в дискретной форме в соответствии с новыми потребностями и требованиями.

Также в статье делаются выводы о том, что влияние некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества на развитие демократического правового государства и гражданского общества зависит от взаимных отношений этих организаций с органами государственной власти и органами местного самоуправления.

В статье анализируются демократические изменения, происходящие в нашем обществе, все большую роль играет этика обеспечения прав и свобод каждого гражданина и формирования сильного гражданского общества. Также в статье раскрывается роль институтов гражданского общества, некоммерческих организаций в дальнейшем развитии нормативно-правовой базы их деятельности в предотвращении таких неприятных последствий, как угрозы, попадание в финансовую ловушку иностранных организаций, выпадение из предпринимательской деятельности, негативное влияние на их деятельность из-за рубежа.

The article analyzes the factors of a free civil society and the construction of a secular state in Uzbekistan. Today, the principles and legal foundations of a democratic state and civil society in our country have been developed, taking into account the interests of our people. The activities of local and foreign non-governmental, non-profit organizations, and other civil society institutions operating in our country today are reviewed in discrete form under new needs and requirements.

The article also concludes that the influence of non-profit organizations and other civil society institutions on the development of a democratic state of law and civil society depends on the mutual relations of these organizations with state authorities and local governments.

The article analyzes the democratic changes taking place in our society, an increasingly important role is played by the ethics of ensuring the rights and freedoms of every citizen and the formation of a strong civil society. The article also reveals the role of civil society institutions, non-profit organizations in the further development of the regulatory framework of their activities in preventing such unpleasant consequences as threats, falling into the financial trap of foreign organizations, falling out of business, negative impact on their activities from abroad.

нотижорат ташкилотларнинг нуфузи ортиб борди. Мазкур институтлар эса давлат ва жамият ўртасидаги воситачи вазифасини бажаради, яъни «Фуқаролик жамияти турли хил манфаатлар, қарашлар, шунингдек, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, турли уюшмалар орқали таъминланади. Бу манфаатлар ўзаро алоқалар, келишувлар ва муросага келишиш орқали амалга оширилади. Ушбу ташкилотлар кишиларнинг барча эҳтиёж ва манфаатларини, шунингдек, сиёсий манфаатларини қондиришда ҳамда шакллантиришда фаол иштирок этади, ўз фаолиятини эса жамиятдаги ҳуқуқий нормалар, анъаналар орқали мувофиқлаштиради» (Эргашев, Холбеков, Жакбаров, Умарова, 2005: 41).

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократлашув жараёни инсонлар, турли хил ижтимоий қатламлар, сиёсий институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолияти ва ўзаро муносабати билан боғлиқ. Жамият сиёсий ҳаётининг

модернизациялашиши кенг қамровли жараён бўлиб, бу соҳада шаклланган анъанавий ёндашувларни жамиятдаги соҳаларга мос тарзда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифийга бўлиб ўрганиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида бу йўналишда қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (lex.uz/docs/2156899), «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» (lex.uz/docs/2157912)ги қонунлар алоҳида аҳамиятга эга. «Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида» (lex.uz/docs/54191)ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида» (lex.uz/docs/2304953)ги қонунларнинг қабул қилиниши сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жойлардаги вакиллик органларининг турли соҳалардаги ислоҳотлар жараёни устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги аҳамиятини кучайтириш имконини бермоқда. Яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32,78,93,98,103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни миллий давлатчиликни янада мустаҳкамлаш, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг қуйидаги институтлари ўз фаолиятини янада такомиллаштириб бормоқда:

1) сиёсий партиялар;

2) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;

3) демократик сайлов тизими;

4) жамоат бирлашмалари;

5) нодавлат нотижорат ташкилотлар;

6) оммавий ахборот воситалари;

7) оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар;

8) таълим-тарбия муассасалари;

9) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

10) диний ташкилотлар;

11) миллий-маданий марказлар;

12) жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти функцияларини амалга оширувчи кўплаб ҳаракатлар ва ташкилотлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, экологик ташкилотлар, фан, маданият ва таълим соҳасидаги бирлашмалар, хотин-қизларнинг ташкилотлари ва бошқа тузилмалар ташкил топди ва ривожланмоқда. Аммо уларнинг иш кўлами фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг реал талабларига ҳам тўлиқ жавоб бераётгани йўқ. Ваҳоланки, ҳозирги ҳуқуқий демократик давлатларда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан, сиёсий ҳуқуқлари, ижтимоий ҳуқуқлари ва табиий ҳуқуқларини таъминлаш ва давлат томонидан муҳофаза этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислоҳотларнинг янги босқичида фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини қўллаб-қувватлашга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, Ҳаракатлар стратегиясининг «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган биринчи йўналишида жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масаласи ҳам кейинги беш йилликда рўёбга чиқарилиши лозим бўлган вазифалардан бири сифатида белгиланган (huquqburch.uz). Бизнинг назаримизда, фуқаролик жамияти шароитида давлат-жамият тараққиётининг стратегияси ва тактикасини белгиловчи, маҳаллий ҳокимият органлари эркинлигининг меъёрини аниқлаб берувчи, улар билан ўзаро муносабатларини демократик тамойиллар асосида ташкил этувчи институт вазифасини ўтамоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятига таъриф берилмаган бўлса-да, унда фуқаролик институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги

тамойиллари белгиланган. Шу боисдан ҳам, Президентимиз Шавкат Мирзиёев асос солган халқ билан мулоқот, уларнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги бўлган тизим - Халқ қабулхоналари институти ўзбек давлатчилик мактабига хос бўлган адолатпарварлик, ҳақиқатни амалда таъминлаш борасидаги ана шундай улуғ анъаналар илдизларидан қувват олади. Давлатимиз раҳбари бугун куйиб-ёниб барчамизни халқ қалбига қулоқ солишга, одамларнинг дард-ташвишларини астойдил тинглашга, муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам беришда даъват этаётгани – бу борада айрим катта-кичик амалдорларнинг онгида тошдай қотиб қолган эскича қарашларни таг-томири билан қўпориб, унинг ўрнига халқ истаклари асосида ишлашни, принципларини ҳаётимизда чуқур жорий қилишга қатъият билан ҳаракат қилаётгани буюк шоиримиз айтганидек, «Қучок очиб халқ ичига бориш» унинг армонларини ушалтириш, орзуларини рўёбга чиқаришдек улуғ мақсадларга қаратилган» (buxoro.adliya.uz).

Фуқаролик жамияти инсон ҳаётининг барча (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий) соҳаларини қамраб олган шундай бир ижтимоий маконки, унда ҳар бир шахс ва жамоа аъзоларининг манфаатлари, қизиқишлари, хоҳиш-истаклари ҳисобга олинади, ҳимоя қилинади ва муҳими – рўёбга чиқарилади. Айни шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеёвнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини йўлга қўйиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Жумладан, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлиги, шунингдек, барча давлат органлари қошида жамоатчилик кенгашлари ташкил этиш таклиф этилди (uza.uz/oz/). Чунки фуқаролик жамияти – давлатдан мустақил ва ундан холи муносабатлар ҳамда воситалар тизими бўлиб, у шахс ва жамоаларнинг ижтимоий- иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади. Кўпчилик хориж олимларнинг эътироф этишларича: «Фуқаролик жамияти - инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси (шу соҳадаги муносабатлар йиғиндиси)дан иборатдир» (Anheier, 2004; Fleurbaey, 2014; Putnam, 2000.).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 4 майда имзоланган «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айни шу Фармон асосида Президент ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилмоқда. Бу жараёнда давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш унинг асосий вазифаларидан этиб белгиланганлиги эътиборга моликдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош ассамблеясидаги маърузаси, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлиги тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари қаторида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланиши ҳамда инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида янги босқични очиб берди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан ҳамда мамлакатимиз Президентининг БМТ Бош ассамблеясидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигини кучайтириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишталиги ва фаровонлиги учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган бир қанча самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислоҳотларнинг янги босқичида фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини қўллаб-қувватлашга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор

қаратилмоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февральдаги Фармони ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, Ҳаракатлар стратегиясининг «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган биринчи йўналишида жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масаласи ҳам кейинги беш йилликда рўёбга чиқарилиши лозим бўлган вазифалардан бири сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари тобора муҳим ўрин тутмоқда. Бугун ушбу ташкилотлар, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ижтимоий шериклик асосида аҳолининг барча қатлами манфаатларини ҳимоя қилишда давлат идораларига кўмакдош бўлиб, жамоатчилик назоратини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг бориши ҳақида аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро жамоатчиликни кенг хабардор қилиш ишлари ташкил этилди. Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Бу борада ҳуқуқий асослар яратилиб, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Маълумки: «Фуқаролик жамиятининг вужудга келиши босқичма-босқич жараён бўлиб, шахс, жамият ва давлат ўртасида ўзаро муносабатларда янги шакл ва услублар таркиб топади. Фуқаролик жамиятида шахс муҳим ўрин эгаллайди. Барча институтлар шахснинг ҳуқуқини рўёбга чиқариш, имконият ва манфаатларини, мақсад ва интилишларини амалга оширишга ёрдам беради» (Савинков, 2004: 218-224).

Фуқаролик жамияти инсонлар бирлиги тараққиётининг алоҳида маърифий даражасини, беназир сифат ҳолатини ифодалаши билан анъанавий жамиятдан фарқ қилади. Бу ўринда фуқаролик жамияти инсонлар жамоасини, унинг манфаатларини сиёсий ҳокимият олдида, давлат аппарати қаршисида муҳофаза этувчи ўзига хос феномен, тегишли механизм (мажмуа) сифатида майдонга чиқади. Фуқаролик жамияти–бу юксак инсоний қиёфага эга бўлган жамият ёки юксак даражада уйғун ҳаёт кечирувчи эркин инсонлар жамиятидир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» (lex.uz/docs/3121798)да амалга оширишга оид давлат дастурида «Жамоатчилик назорати тўғрисида» (lex.uz/docs/3679092)ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилганини ҳисобга олсак, бу борадаги ҳуқуқий асос янада мустаҳкамланади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат органларига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлигининг ошишига, улар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига, фуқароларнинг мурожаатларини, уларда кўтарилган муаммоларни жойида ҳал этишда давлат органлари раҳбарлари томонидан қай даражада муносабат билдирилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга имкон беради (huquqburch.uz).

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси кишиларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглигидир. Унинг асосини ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция билан мустаҳкамланган индивид ташкил этади. Фуқаролик жамияти етуклиги мезонини инсон ҳуқуқларини амалга ошириш даражаси белгилайди. Фуқаролик жамиятининг устувор шартларидан бири жамиятда уйғун ижтимоий тизимнинг мавжудлиги бўлиб, унда аҳоли турли қатламларининг манфаатлари ҳисобга олинади, мувофиқлаштирилади.

Фуқаровий келишув ва барқарорлик қарор топади. Кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш йўлидаги муҳим вазифалардан бири — фуқаролик институтларини шакллантириш, мустақиллиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашдир. Маълумки, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг аксарият қисми мана шу хусусий ҳаёт соҳасида рўёбга чиқарилади. Бироқ бунинг замирида турган индивидуализм ҳаддан (муайян меъёрдан) ошмайди, шахснинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолишига, бегоналашувига олиб келмайди. Чунки индивидлар ўз хусусий манфаатларини таъминлаш учун

бирлашиб, турли уюшма ва ташкилотларни вужудга келтирадилар. Айнан шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Бу эса ўз навбатида, мазкур соҳадаги халқаро тажрибани чуқур ўрганиш, миллий ва умуминсоний анъаналарни ўзлаштириш, жаҳон халқларининг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш асносида фуқаролик жамиятини такомиллаштиришнинг оптимал йўллари ва усулларини излаб топишни бирламчи заруратга айлантирмоқда. Шу боис, бугунги кунда жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда (Мавлонов, 2017: 5). Шунга кўра, фуқаролик жамияти–шахслар (фуқаролар) нинг оддий йиғиндиси эмас, балки улар ўртасидаги ранг-баранг алоқалар, тенг ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик ифодасидир. Мазкур муштараклик ва ҳамжиҳатлик ташкилий-институциявий кўринишга эга бўлиб, турли ижтимоий ҳаракатлар (кучлар), сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, жамғармалар, иттифоқлар, бирлашмалар мавжудлиги билан ажралиб туради. Давлат билан бўладиган муносабатларда фуқаронинг манфаатини ифодалаш айнан мана шундай ташкилий тузилмалар, яъни фуқаролик жамияти институтлари орқали тўла-тўкис амалга оширилади. Шу маънода, давлат, унинг идоралари (мансабдор шахслар), ҳамда, фуқаролар ва уларнинг ташкилотлари ҳуқуқий муносабатларнинг тенг субъекти сифатида майдонга чиқадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда» (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам иқтисодий негизи яратилди, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик қарор топди. Нодавлат тизими, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллашмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситаларида, маънавий-маърифий соҳаларда кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Масалан: «Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судлов соҳасида ягона олий органи сифатида давр талаблари асосида янгидан шакллантирилди. Одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган ҳолат — судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётига чек қўйилгани тизим ривожи йўлида муҳим қадам бўлди» (sputniknews-uz.com).

Фуқаролик жамиятини шакллантириш омилларидан бири жамият сиёсий ҳаётида илғор мамлакатларга хос бўлган кўппартиявийлик тизимини қарор топтиришдир. Фақат кўппартиявийликка асосланган ижтимоий-сиёсий муносабатларгина фуқаролик жамиятини қуриш учун шарт-шароитларни яратади. Ҳар бир мамлакатдаги давлат, ҳукумат ва парламентни шакллантиришда сиёсий партияларнинг қандай мавқега эгалиги, бу жараёнлардаги иштирокининг қандай кечиши, халқнинг кўппартиявийлик тизими асосидаги сайловлардаги фаоллик даражаси ҳозирги даврга келиб демократия меъёрларини белгилаб бермоқда.

Фуқаролик жамияти, бир томондан, жамият аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларининг юксак бўлганлиги учун ҳам ҳукумат ва унинг органларига бошқаришни қулайлаштирган бўлса, иккинчи томондан, халқ оммасининг жамиятни бошқариш ва унинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаб келмоқда. Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларини ривожлантириш учун ҳам ҳар бир фуқаронинг эркинлиги, унинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштироки зарурлигини фуқаролик жамиятини қарор топтириш жараёни исботлаб келмоқда. Бизга маълумки, мамлакатнинг тутган ўрнини белгилашда, мавқеини аниқлашда нафақат унинг давлат тузилмасининг қудрати, балки шу мамлакатда шаклланган жамиятнинг кучи қанчалик эканлиги ҳам ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Давлатчиликда умумэътироф этилган ана шу қоида ва ғоя асосида ўз давлатчилигини барпо этаётган Ўзбекистон ҳам ўз келажагини кучли, адолатли фуқаролик жамиятида кўрмоқда. Шу маънода давлатчилигимизда эълон қилинган «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепцияси

давлатнинг кучли бўлиши, унинг куч-қудратидан тўғри фойдаланиб, кучли жамият қуришни назарда тутади. Албатта, бунда давлат ўзининг айрим вазифаларидан воз кечади. Бу икки йўналишда амалга оширилиши мумкин. Биринчиси, республика давлат органлари вазифаларини маҳаллий ҳокимият органларига бериб борилади. Иккинчиси, давлат органлари вазифаларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказади. Биринчисида маҳаллий ҳокимият органларига ваколатлар ўтказилганда ваколат давлатда сақланиб қолса-да, масалалар аҳолининг бевосита яшаш жойларига яқин бўлиб, уларнинг устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш қулайроқ, осонроқ бўлади. Иккинчисида эса, вазифа ва ваколатлар давлат ихтиёридан нодавлат ташкилотларига ўтади.

Кучли жамият бу – кучли фуқаролик жамияти демак. Бундай жамиятнинг таянчи нодавлат ва жамоат ташкилотлари бўлади. Бунинг маъноси шуки, аввало, мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш янги босқичга кирганлигини кўрсатади. Шунингдек, бу демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти негизларини шакллантиришнинг кучли назарий асоси сифатида зарур дастурлар, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратади. Натижада давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида белгиланган вазифаларни янада аниқлаштириш, уларни амалга ошириш имконияти юзага келади.

Мамлакатимизда муваффақият билан амалга татбиқ этилаётган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг мазмун-моҳияти ҳам, айнан, жамият ҳаётида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини янада кучайтиришни назарда тутади. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг бешинчи устувор йўналиши нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини кучайтириш ҳисобланади. Чунки, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат томонидан маблағ олмасдан, фуқаролар, ёшлар, зиёли ижодкорларнинг фаоллигига таянган ҳолда, ихтиёрий равишда уюшишлари асосида вужудга келади. Аммо, уларнинг дастлабки пайтларда давлат томонидан маблағ билан таъминланиши ҳам мумкин. Улар ҳокимият учун курашишни мақсад қилмайди, балки, давлат фаолиятини барқарорлаштиришга, фуқароларнинг манфаатларини, хусусан, уларнинг моддий шароитларини яхшилаш, дам олиш, соғлиғини тиклаш ҳуқуқларининг таъминланиши ва бошқа қатор ижтимоий муаммоларни яхшилашда ҳокимият билан ҳамкорлик қиладилар. Шунингдек, ҳокимият учун кураш олиб бормаслик, фуқароларни уюштириш, жамиятда барқарор тараққиётга эришиш ва уларнинг моддий шароитларини яхшилаш кабилар фаолиятнинг бош тамойили бўлганлиги учун ҳам ҳокимият нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятини такомиллаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатни модеринизация ва ислоҳ этишдаги роли ва таъсирини ҳозиргига нисбатан янада кучайтириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, қуйидагиларга эътиборни қаратишни тақозо этади:

Биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг муаммоларидан яна бири - бу давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро мунособатларининг етарли даражада эмаслигидир.

Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари бутун жамиятнинг барча бўғинларидаги каби, ижобий демократик тажрибанинг ҳозирча етишмаслиги фуқаролик жамиятини ривожлантиришни секинлаштирмоқда. Мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини янада ривожлантириш хулосаларнинг фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги аҳамиятини тобора кучайтириш учун кенг йўл очади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Anheier H. K. (англ.)русск. Civil society: Measurement, Evaluation, Policy, London, 2004.;
2. Fleurbaey M. «Economics and Economics Justice», The Stanford Encyclopedia of Philosophy, (Winter 2014, Edition), Edward N. Zalta (ed) Putnam R. D. Bowling Alone: The Collapse and Revival of American Community (angl.)русск.. — N. Y.: Simon & Schuster, 2000.
3. http://buxoro.adliya.uz/buxoro/uz/publikatsii/detail.php?ID=35507
4. http://huquqburch.uz/uz/article/5436/

5. http://huquqburch.uz/uz/article/5436/
6. http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017
7. https://lex.uz/docs/2156899 ЎРҚ-350-сон 22.04.2013
8. https://lex.uz/docs/2157912 ЎРҚ-351-сон 22.04.2013
9. https://lex.uz/docs/2304953 ЎРҚ-363-сон 27.12.2013
10. https://lex.uz/docs/3121798 Ф-4760-сон 17.12.2016
11. https://lex.uz/docs/3679092 ЎРҚ-474-сон 12.04.2018
12. https://lex.uz/docs/54191 337-I-сон 26.12.1996
13. https://sputniknews-uz.com/news/20170614/5608919/Shavkat-Mirziyoyev-yana-bir-videoselektor-yigilishini-otkazdi.html
14. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 05.05.2018 y.,06/18/5430/1164-son, 13.12.2018 y., 06/18/5597/2300- son
15. Mavlonov J.Yo. Fuqarolik jamiyatiga oid zamonaviy kontseptual diskursning asosiy yo'nalishlari (ijtimoiy-falsafiy tahlil). Avtoreferat. «Akademiya noshirlik markazi» DUK, 2017.- B.5.
16. Mirziyoev Sh.M. Demokratik islohotlarni izchil davom ettirish, xalqimiz uchun tinch va osoyishta, munosib hayot darajasini yaratish – barqaror taraqqiyot kafolatidir // URL – http://uzlidep.uz/uzc/news/ demokratik-islokhotlarni-izchil-davom-ettirish-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot
17. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi.-Toshkent: "O'zbekiston",2017, 17- bet.
18. Savinkov L.L. Nekotoro'e aspekto' filosofskogo osmo'sleniya fenomena grajdanskogo obhestva / L.L. Savinkov // Nauka – VUZ – Shkola: Sb. nauch. tr. molodo'x issledovateley / Pod red. Z.M. Umetbaeva, A.M. Kolobovoy. – Magnitogorsk : MaGU, 2004. – Vo'p. 9. – S. 218-224.
19. Ergashev I., Xolbekov A., Jakbarov M., Umarova N. Fuqarolik jamiyati va milliy g'oya. – Toshkent: Akademiya, 2005. – 41-b.